



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 28 апрель, № 87 (7317)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧАДИ

«Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форуми 27 апрель куни «Яньци» халқаро конференциялар марказида делегация раҳбарларининг давра суҳбати тарзида давом этди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Халқаро ва минтақавий ўзаро

ра суҳбатининг Қўшма баёноти қабул қилинишини маъқуллаб, бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, умумий мақсадларга

ва бошқа долзарб масалалар бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Марказий Осиё минтақасининг транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда Хитой — Марказий Осиё — Ғарбий Осиё иқтисодий йўлагини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар автомобиль йўли, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой ва Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли лойиҳалари бу борада катта истиқболлар очиши қайд этилди. Шунингдек, Сариқ денгиз портлари — Марказий Осиё — Европа йўналиши бўйлаб темир йўлда юк ташишга бир хил тариф ўрнатиш ҳам иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Президентимиз «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигига эришиш учун қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар ва илғор ечимларни жорий этиш масалаларига эътиборни қаратди.

Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган экологик вазиятни бартараф этиш умумий вазифа эканини таъкидлар экан, Шавкат Мирзиёев шерикларни БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун траст фонди ҳамда Оролбўйи ҳудудида экологик инновациялар ва техноло-

да янги тараққиёт манбалари яратишини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев бу борадаги долзарб масалалар жорий йилнинг кузида Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясида (RECCA) муҳокама этилишини маълум қилди. Тарихий ва маданий меросимиз, олдимизда турган мақсад ва вазифаларнинг ўхшашлиги ҳамда интилишларимиз муштараклиги келажакка катта ишонч билан қарашга имкон беради. Халқларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг ижобий натижаларини албатта сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг фикр ва ташаббуслари катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Форумда қуруқлик ва денгиз йўллари ривожлантириш, савдо алоқалари ва давлатлараро ҳамкорлик механизмларини кенгайтиришга қаратилган йирик иқтисодий коридорлар очиш масаласи муҳокама этилди. Бунинг учун транспорт-логистика, энергетика ва телекоммуникация инфратузилмаларини интеграциялаш, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, савдо ва инвестиция соҳасидаги тўсиқларни бартараф этиш, санат кооперациясини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

мазкур ташаббуснинг асосини ташкил қилади.

Ташқи бозорларга чиқишни кенгайтириш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, товарлар ва хизматлар экспортини ошириш, макроиқтисодий сиёсатнинг мувофиқлаштирилишини яхшилаш глобал иқтисодий жараёнларни тезлаштириши қайд этилди.

Евросиёдан Африка, Америка ва Океаниягача чўзилган «Бир макон, бир йўл»нинг қурилиши дунё иқтисодиёти ўсиши учун янги имкониятлар эшигини очди, халқаро савдо ва сармовий фаолият учун янги платформа яратиб берди, глобал иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш бўйича янги амалий фаолиятни кенгайтириб, турли мамлакатлар аҳолиси фаровонлигини оширишга ҳисса қўшди. «Бир макон, бир йўл» янги имкониятлар ва тараққиёт йўлидаги умумий йўлди.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингга Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин форумда иштирок этаётган давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамкорликни янада ривожлантириш, шериклик ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш дастурини амалга ошириш каби ма-

халар қамраб олинган. Ушбу йирик ташаббус иштирокчи давлатлар тараққиётига хизмат қилаётгани барча томонидан алоҳида таъкидланди. Биз «Бир макон, бир йўл» концепциясини бойитдик ва уни янада ривожлантиришга келишиб олдик. Мазкур лойиҳага қизиқиш билдирадиган давлатларни қўллаб-қувватлаймиз, деди Си Цзиньпин.

Давлат раҳбарлари кўп томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, автомобиль, денгиз ва ҳаво йўли орқали алоқаларни ривожлантиришга келишиб олгани қайд этилди. Юксак сифатли, барқарор, инклюзив ва кенг қўламли инфратузилмани тараққий эттириш, иқтисодий йўлақлар ва зоналар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда корхоналарнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу лойиҳаларнинг янада барқарор бўлишини, хорижий инвесторлар учун адолатли муҳитни таъминлайди.

Форум доирасида томонлар 283 та амалий натижага, давлатлараро келишувлар ва ҳамкорлик лойиҳаларига эришди. Форум доирасида ишбилармонлар қиймати 64 миллиард доллардан зиёд бўлган битимлар имзолади. Буларнинг барчаси «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли ва кенг қўламли тус олганидан далолат беради.



боғлиқлик масалалари Марказий Осиё, жумладан, денгиз портларига бевосита чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатимиз учун долзарб бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Ўзбекистон мамлакатларимизнинг барқарор тараққиётида муҳим омил бўладиган «Бир макон, бир йўл» ташаббусини илк кунларданок қўллаб-қувватлаган, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари форум давридаги суҳбатининг Қўшма баёноти қабул қилинишини маъқуллаб, бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, умумий мақсадларга эришиш, иқтисодий юксалишининг янги манбаларини кашф этиш, натижада халқларимиз турмуш даражаси ошишига хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз Марказий Осиёнинг транспорт ва логистика имкониятларини ошириш, «яшил иқтисодиёт» орқали озик-овқат хавфсизлигига эришиш, туризмни ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш

гиялар зонаси фаолиятида иштирок этишга чакирди. Туризм соҳасида алмашинувларни ривожлантириш, бунинг учун «Ипак йўли» бренди остида қўшма дастур ва махсулотларни илгари суриш бўйича долзарб таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон масаласига ҳам эътибор қаратиб, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиё

Таъкидланганидек, «Бир макон, бир йўл» лойиҳасида мамлакатларнинг ягона иқтисодий маконни барпо этиш йўлидаги биргаликдаги маслаҳатлашув, барпо этиш ва фойдаланиш формати йўлга қўйилди. Очиқлик, «яшил иқтисодиёт» ва инновациялардан фойдаланган ҳолда узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш

Шу билан «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форуми ниҳоясига етди. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифини яқунлаб, мамлакатимизга қайтиб келди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Матбуот хизмати суратлари.

# «Ўзбекистон Президентининг ташаббусларини Хитойнинг буюк ислохотчиси Дэн Сяопин сиёсати билан таққослашга тўлиқ асос бор»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Бир макон, бир йўл” халқро форумидаги иштироки, унинг доирасида ўтказилган икки томонлама учрашувлар дунё оммавий ахборот воситалари, хорижлик экспертлар диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, биргина Хитойдаги юзлаб нашрлар, телеканаллар мазкур воқеликларга алоҳида тўхталмоқда.



Нуфузли газеталардан бири — “The Global Times”да Ўзбекистон етакчисининг учрашувлари билан боғлиқ ўнга яқин хабарлар эълон қилинди. Улардан бири Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ли Чжаньшу билан ўтган учрашуви ҳақида бўлди.

“CGTN” (China Global Television Network) телеканалида эса расмий Тошкент ва расмий Пекиннинг “Бир макон, бир йўл” доирасидаги ҳамкорлиги ҳақида лавҳа берилди. Унда айтилишича, 2018 йил якунларида кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 6,43 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 35,2 фоиз кўп, демакдир. Қола-

верса, ушбу кўрсаткич Хитойни Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида биринчи ўринга қўйди. Ўзбекистонда Хитой сармоясини иштирокида ташкил қилинган 1100 дан зиёд корхоналарда 20 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган.

Ўзбекистон хитойлик сайёҳлар учун янги ва энг машҳур манзилга айлантирди. Хусусан, мамлакатга келган туристлар сонини 2017 йилдагига нисбатан 68 фоиз ўсди ва 32 мингдан ошди кетди. Айниқса, ХХР Марказий телевидение-си томонидан илк мартаба суратга олинган ўзбек миллий таомлари ҳақидаги кўрсатув роса машҳур бўлди. Уни Хитой бўйлаб 300 миллионга яқин одамлар томоша қилгани фикримизни тасдиқлайди. Икки мамлакатнинг илм-фан, техника, археология, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги



муносабатлари ҳам жадал ривожланиб, янги маъно-мазмун билан бойимокда.

## ДУНЁ НИГОҲИ



“Синьхуа” ахборот агентлиги мубири Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси кенг қўламли шериклиги янада ривожлантиришга амалий ҳисса қўшишга тайёрлиги ҳақида ёзди.

Хитойнинг “ССТV” телеканали шарҳловчиси “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқро форуми очилишида сўзга чиққан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг нутқидаги Ўзбекистон билан ҳамкорлик ҳақида сўз юритди.



19 километрдан зиёд туннелни ўз ичига олувчи Ангрэн — Поп темир йўли Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг мазкур йўналишида энг ёрқин мисолидир. Бу туннель Фарғона водийсининг учта вилоятини Ўзбекистоннинг қолган ҳудудлари билан бевосита боғлаши баробарида, мамлакат транспорт-коммуникация тизими салохиятини бирмунча юксалтирди.

2018 йилнинг февралдан эътиборан эса экспорт-импорт юкларини ташвишда Тошкент — Андижон — Ўш — Ирчиштом — Қошғар йўналишидан иборат янги коридор, яъни Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой автотранспорт йўлидаги фойдаланиб келинмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

# Депутат фикри Болалар ҳуқуқларига оид қонунчилик такомиллаштирилади

Юртимизда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асоси яратилган. Хусусан, Конституцияда ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттувларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур экани, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган ўғил-қизларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги, шунингдек, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаз қилиниши белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг жорий йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан муҳимдир. Бинобарин, қарорда ота-она қарамоғисиз қолган болалар яшаб турган ўй-жойларини улар ўн саккиз ёшга тўлганига қадар бронлаштириш ҳуқуқи, болаларнинг давлат органларига қилган мурожаатлари кўриб чиқилиши кафолатланиши, 14 ёшга тўлганидан кейин ота-оналаридан алимент олиш юзасидан судда даъво кўзгатишга ҳақли эканлиги, болаларни ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат этишда давлат божи ва бошқа тўловлардан озод қилиниши белгилаб қўйилгани навқирон авлод ҳуқуқларини янада кенгайтирди. Шунингдек, унда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган бола, ёшидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда ўз фикрини ифода қилишга ҳақли экани мустақамлаб қўйилди.

Қарор билан 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Мехрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган ота-онасиз болалар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталарини ажратиш тартиби жорий этиладиган бўлди.

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

### «Шараф ленталари» қалбларга ғурур бахш этмоқда

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкор ташкилотлар билан бирга қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

### Кексалари ардоқланган юрт

Ўзбек Миллий академик драма театрида бир ғуруҳ фахрийларга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини тантанали топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгаши ва бошқаруви аъзолари, сенаторлар, депутатлар, турли вазирликлар, ижодий ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, отахону онахонлар ва ёшлар қатнашди.



Бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатни таъкидлаган бўламиз. Жулладан, 2017 йил февралдан пенсияларни нақд пул тарзида бериш қатъий йўлга қўйилди. Жорий йилнинг январь ойидан эса меҳнат қилаётган кексаларга тўлиқ миқдорда пенсия берилмоқда. Шу билан бирга, ёши улугларга нафақаларни даромад бўйича ҳисоблашда аввалгидек энг кам маошнинг 8 баробари эмас, балки энг кам иш ҳақининг 10 баробари асос қилиб олинадиган бўлди.



«Халқ сўзи» суратлари.

### Кун воқеалари қисқа сатрларда

- ЯККАСАРОЙ тумани ҳокимиятига Ўзбекистонда илк мартаба “CERT international” компаниялар ғуруҳи томонидан халқро менежмент сифати стандарти бўйича сертификат топширилди.
- СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ томонидан мамлакатимиз бўйлаб навбатдаги соғлом турмуш тарзи тарғиботида бағишланган оммавий тадбирлар, жумладан, пойтахтимиздаги “Меҳржон” хиёбонида 5 километр масофага давол юриш ва арқонда сакраш, шахмат, шашка, волейбол, стол тенниси, бадминтон, тўсиқлардан ўтиш эстафетаси ўтказилди.
- САМАРҚАНДА палов ва нон сайли доирасида юз турга яқин Самарқанд нонлари намойиш қилинди. Бир нонча қозонда эса ўзбек миллий ошхонасининг шоҳтамами — палов дамланди.
- ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида докторантурага қабул квотасини шакллантириш дастурий тизими юзасидан ўқув семинари ўтказилди.

# ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида 27 апрель куни Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири генерал-полковник Вей Фенхэ бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда мудофаа ва ҳарбий таълим соҳаларида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари атрофида муҳокама қилинди. Ҳарбий-техник йўналишда ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлаш бўйича фикр алмашилди.

Икки томонлама самарали ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги стратегик шериклик қарор топгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий, саноат, мудофаа, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, Хитойда бўлиб ўтаётган “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқро форуми минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш йўлидаги истиқболли ташаббус экани қайд этилди.

# Бойсуннинг баҳори ўзгача...

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали бўлиб ўтмоқда.

Табир жоиз бўлса, Ўзбекистон баҳори Сурхон воҳасидан, Бойсун қирларидан бошланади. Бу ўлканинг табиати гўзал, мафтункор ва фусункор. Шу билан бирга, Бойсун деири ранг-баранг фольклор-этнографик макон сифатида ҳам алоҳида эътироф этилади.

## Фестиваль

“Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивали юртимиз маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири. Ўтган йиллар мобайнида ушбу санъат анжуманининг ранг-баранг тадбирлари узоқ-узакларда ҳам акс садо берганини кенг дунё жамоатчилиги, соҳа мутахассислари, сайёҳлар ҳаяжон билан таъкидлашади.

Фестиваль тадбирлари ўтказилаётган Падангсой дарасида юздан ортиқ ўтовлар ўрнатилди, вилоятлардан келган халқ хунармандлари ва бадиий жамоалар учун рамзий кўргонлар бунёд этилди. Маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларга зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиш мақсадида тоғолди хулуида қулай инфратузилма яратилди. Асосий тантаналар бўлиб ўтадиган майдон, унга олиб борадиган йўлларда миллий қадриятларимизни кўз-кўз қилувчи ҳамда фестивалнинг туб моҳияти ва аҳамиятини ифодолловчи баннерлар жойлаштирилди.

...Чанқовуз чалаётган, лапар айтаётган момолар, қир-адирларда дўмбира чертиб, дoston куйлаётган бахшилар. Минг йиллардан бери яшаб келаётган халқ кўшиқлари, уларга ҳамоҳанг рақслар ва ўзига хос либослар...

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикасининг “Афсона”, Андижон вилоятининг “Сайқал”, Бухоро вилоятининг “Сахро сабалари”, Жиззах вилоятининг “Гаштак”, Навоий вилоятининг “Ёр-Ёр”, Наманган вилоятининг

этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Аҳмаджон Жуманазаров. — Ушбу санъат байрамида 2002 йили олий ўринни кўлга киритгандик. Кейинги йилларда ҳам совриндорлар қаторидан жой олганмиз. Мана шу омилига таяниб, бу гал ҳам фольклор байра-

ми либослар, хунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси, кураш мусобақаси, тош кўтариш, варрак учирш, кўчор уриштириш, арқон тортиш каби турли халқ ўйини ҳамда майдон томошаларига ҳам кенг ўрин берилди. Умуман айтганда, “Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивали халқ сайли тарзида уюштирилиб, узоқ-яқин хулулардан келган ҳамюртларимизга баҳорий кўтаришчилик, хуш кайфият, завқу шавқ улашди.

— Биз ижодий жамоамиз билан “Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивали ҳақида фильм суратга олиш учун бу ерга келдик, — дейди туркиялик режиссёр Зеки Субаши. — Бойсун табиати, ҳақиқатан ҳам, гўзал, ёмғирли ҳавода жараёнларни кузатиш имконияти янада завқли. Ўзбек кураши, кўпқари мусобақалари, фольклор санъатининг ихлосмандлари кўпчилигини яхши биламиз. Дунёга ўз имиджини кўз-кўз қилаётган Ўзбекистон учун бундай тадбирларнинг аҳамияти катта. Айниқса, юртингизда туризм ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Фестиваль тадбирларини кузатар эканмиз, одамларнинг миллий қадриятларга бўлган юксак эҳтиромини кўриб, ростки, қувондим. Ўйлайманки, бу ердagi байрам шукўли акс этган телемахсулотимиз туркиялик томошабинларда, қолаверса, Европа аҳолисида катта таассурот қолдиради.

Фестиваль доирасида концерт дастури намойиш этилди. Тантанали мушакбозлик — ранг-баранг ёғдулар жиноси кишиларга бир олам шодлик улашди.

“Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивали тадбирлари давом этмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»)



“Яллама-ёрим”, Самарқанд вилоятининг “Чинор”, Сирдарё вилоятининг “Сайхун йигитлари”, Сурхондарё вилоятининг “Бойсун”, Тошкент вилоятининг “Тўрай”, Тошкент шаҳрининг “Бувижонларим”, Хоразм вилоятининг “Машъал”, Фарғона вилоятининг “Шодиёна”, Қашқадарё вилоятининг “Занжир сарой” фольклор жамоалари қатнашмоқда. — Ушбу фестивалда тўртинчи мартаба қатнашяпмиз, — дейди Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманидаги “Гаштак” фольклор-

мига пухта ҳозирлик билан келганмиз. Байрам сахнасида миллий удум — гаштак маросимини акс эттириш орқали ўз хулудимизга хос анъана, қадрият, миллий либос, кўшиқ, ўлан-лапар ва рақсларни намойиш этдик. Фольклор жамоалари танловидagi чикишимиз мухлислар томонидан олқиш билан қарши олингани бизни руҳлантирди.

Фестиваль доирасида бахши-шоир, оқин ва жировлар ижодий беллашуви, театрлаштирилган томоша ва шоу дастурлар, мил-

# Санъат ва маданият байрами

Ўзбекистон ва Қозғистон хунармандлари, дизайнерларини Тошкентда жамлади



Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда республика “Хунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида “UZBEKISTAN — ASPARA Fashion Week” халқаро мода ҳафталиги ташкил этилди.

Ушбу санъат ва маданият байрами аввалида ўтказилган анжуманда турли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари, халқаро дипломатик корпус вакиллари, юртимиз ва чет эллик дизайнерлар, либос усталари, мода соҳаси мутахассислари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Қозғистон йили муносабати билан уюштирилган ушбу тадбир икки давлат хунармандлари ўртасида ўзаро таъриба алмашиш, ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мода ҳафталигида юртимиз ва қозғистонлик етакчи дизайнерлар билан бирга, АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия, Малайзия, Хитой, Грузия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан ҳам мода оламининг таниқли вакиллари, соҳага оид етакчи

нашрларнинг муҳаррирлари иштирок этмоқда.

— Ушбу тадбир халқларимизнинг бой мероси, маданияти, либос санъатини кенг жамоатчиликка намойиш қилиш, дизайнерларимиз ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларни рағбатлантиришга қаратилган катта ижодий лойиҳадир, — дейди “Aspara Fashion Week” лойиҳаси директори қозғистонлик Айдархан Калиев. — Унда қатнашиш ёш модельерлар ҳамда дизайнерларга Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон подиумлари сари кенг йўл очди.

Либослар намойишида миллий ва дунё мода санъатининг ёрқин намуналари, ёшларнинг ижодий изланишлари махсули бўлган кўркем кийимлар тақдим этилди.

Ҳафталик доирасида мода намойишлари билан бирга, турли учрашувлар, маҳорат дарслари, анжуманлар ўтказилиши, ҳамкорликда шартномалар имзоланиши кўзда тутилган.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

# Мебелсозлик саноатида қандай янгиликлар кузатилмоқда?

Пойтахтимиз яна бир йирик тадбир — “Ишлаб чиқариш технологияси. Ёгочга ишлов бериш. Мебель ва интерьер — MebelExpo Uzbekistan — 2019” ўн олтинчи халқаро кўргазмасига мезбонлик қилди.

## Халқаро кўргазма

Мебелсозлик саноатида қандай янгиликлар кузатилмоқда? Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратиш керак? Бу каби саволларга мазкур тадбирга келган ҳар бири киши жавоб топди, дейишга асослар етарли. Чунки галдаги кўргазма дастури кенг қамровли бўлиб, унда Австрия, Беларусь, Германия, Италия, Қозғистон, Хитой, Польша, Россия сингари 15 мамлакатдан

ташриф буюрган юздан зиёд компаниялар вакиллари томонидан тақдим этилган махсулот ҳамда хизматлар турфа хил эди. Шу боис мутахассислар уни нафақат тармоқдаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш, балки маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга пухта замин яратувчи ўзига хос майдонга қийёслашди. — Фаолиятимизни 2013 йилда бошлаган бўлсак, ўтган даврда



ишимиз кенгайди, — дейди “Lazupo OK Furniture” корхонаси менежери Дониёр Дехонов. — Натيجанда бог ва дала-ҳовлиларга мўлжалланган махсулотларимиз тури юзтага етди. Уларни қўшни давлатларга экспорт ҳам қиляпмиз. Мебелсозлик, умуман, тадбиркорлик доимий изла-



ниш, илғор ишланмаларни татбиқ этиб боришни талаб қилади. Биз ҳам бу ерга айна шу мақсадда келдик.

Айтиш жоизки, бу борада “MebelExpo Uzbekistan — 2019” халқаро кўргазмаси иштирокчиларига барча қулайлик яратилди. Тад-

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 25 МАРТДАН 29 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

## I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2019 йил 28 февралдаги 1-мб-сон “2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-1. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/7-сон “Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-5. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/6-сон “Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-12. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 5 февралдаги 12-сон “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) “Алмашув операцияларидан олинган даромадлар”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3145. (2020 йил 1 январдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 27-сон “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (90-сон АФМС) “Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари”нинг 15-бандига ўзгариш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1017-1. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 24-сон “Ўзбекистон Республикаси Аудитнинг миллий стандарти (16-сонли АМС) “Эксперт ишидан

фойдаланиш”нинг 19.3-бандига ўзгариш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 816-1. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 26-сон “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти

## Хабар

миллий стандарти (80-сон АФМС) “Махсус саволи текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи”нинг 6-бандига ўзгариш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1220-2. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 1-сон “Чипа-ҳисоб ва йўл варақасини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгариш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1282-4. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 2-сон “Дарё транспортини техник ишлашиш қоидаларига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-6. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 3-сон “Ташувчиларнинг кўч автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1382-1. (2019 йил 25 мартдан кучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2019 йил 18 февралдаги 01-мқ-сон “Туристтик йўлланма (ваучер)нинг намунавий шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами

3146. (2019 йил 26 мартдан кучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/7-сон “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-бандига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қарори.

2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2687-2. (2019 йил 29 мартдан кучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2019 йил 16 мартдаги 299-В-3, 2019-18-3-сон “Банкларнинг қимматли қўғозлар бозорига инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга оид талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қарори.

2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-3. (2019 йил 29 мартдан кучга кирди).

## Хайрат

### Турк телеижодкорлари Андижондан лавҳа тайёрлади

Туркиянинг TRT телерадиокомпанияси вакиллари Андижон вилоятига ташриф буюрди. Улар Богшамол даҳасидаги Бобур номидаги ёғда бўлиб, буюк бобокалонимиз ҳақида лавҳа тайёрладилар.

— Дастлаб “Бобурнома”ни синчиқлаб ўргандим, — дейди журналист Меҳмет Жонўлат. — “Бобур ва Андижон” нафақат биргина лавҳа, балки катта ҳажмдаги кўрсатувнинг бош мавзуси бўла олади. Бобур қадамжоларини улкан

сайтёхлик марказига айлантириш мумкин.

Турк телеижодкорлари тайёрлаган лавҳа эфир юзини кўргач, уни 143 давлат аҳолиси томоша қилди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»)

# Музейда сақланаётган кўза лойига нега йод қўшилган?

Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти музейида сақланаётган, Эски Ховостепадан топилган кўза йод қўшилган лойдан ясалган аниқланди.

## Тарих

Маълулми, инсонда ушбу модалда етишмовчилиги туфайли буюқ касаллиги пайдо бўлади. Айни дардинг олдини олиш учун ўтмишда кўзалар лойига йод қўшилган. Яъни улар ҳам идиш, ҳам даво воситаси бўлиб хизмат қилган.

Эски Ховостепадан топилган яна бир экспонат — Хумо қуши тасвири туширилган шамдон турткичини Термиз археология ҳамда Сирдарё вилояти тарихи ва

маданияти музейларида кўриш мумкин.

— Илмий-тарихий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бундай археологик топилмалар сони анчагина, — дейди музей директори Зокиржон Холдоров. — Шу боис ҳам вилоятимиз ноёб осориатқаларнинг кўплиги бўйича республикамиздаги 160 та музей ўртасида 16-ўринда туради.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»)

ЭЪЛОНЛАР

**«Ипак йўли» АИТБ**

ўз ходимлари ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш бўйича шартнома тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 100017, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй. Танлов ҳужжатларини қабул қилишингиз сўнги куни 2019 йил 27 май, соат 12.00 гача. Мурожаат учун телефонлар: 78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички 1258). Веб-сайтими: www.ipakyulibank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

**«Халқ сўзи»даги Реклама** — бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

2019 йил 15 | 16 | 17 май

Тошкент шаҳри, «Ўзэкспомарказ».

**ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ва ГАЗИ**

23-халқаро кўргазмаси

Фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

Ташкилотчи: **Itessa** (INTERNATIONAL TRADE EXHIBITION SERVICES ASSOCIATION) **ITE**

ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

UzbeNeftGaz

«ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТГИН...»

Онанинг бу дуоси уни бало-қазолардан асради.



Давлатимиз раҳбарининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони Деҳқонобод туманининг атрофи пурвиқор тоғлар билан қуршалган Торқолчугай қишлоғида яшовчи уруш иштирокчиси Жума бобо Ибрагимовнинг ҳам хонадонига қувонч олиб кирди. Ҳамқишлоқлари, нева-чеваралари, қавму қариндошлари тўқсон уч ёшни қоралаётганига қарамай хануз тетик-бардам бобони табриқлаш учун кела бошлади. Унинг бегубор болалиги, сержатшиш ўсмирлиги ана шу манзилда ўтди, бахтли кексалиги ҳам шу ерда кечяпти.

Эъзоз

Онанинг бу дуоси уни бало-қазолардан асради. Дала юмушларининг барчаси ёш болалар, ўсмирлар, қишлоқ аёллари ва кексалар зиммасида қолганди. Улар кечани кеча, кундузни кундус демай кўш хайдар, галла экар, ўриб олар ва хирмонда бугдой янчишарди. Машина қаёқда дейсиз? Техника деганлари анқонинг уруғи эди. Йигиб олинган ҳосилни қоплаб, отуловда 50 — 60 қақирим йўл босиб, туман марказидаги дон қабул қилиш пунктига топшириб келишарди. Жума ҳам ҳамқишлоқлари қатори уруш йилларининг бутун заҳматларини тотиб кўрди.

карлик бурчини виждонан ва ҳалол адо этди. Унинг жасоратли хизматлари ўз вақтида орден ва медаллар билан тақдирланди. 1950 йили у қадрдон қишлоғига кириб келди. Отажонининг бағрига отилди. Икки акиси уруш-

дан ярадор бўлиб қайтиб келибди. Икки нафаридан эса "қорахат" келган экан. У урушдан кейинги бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этди, яъни қирқ йил давомида маориф соҳасида ишлади. У ҳеч қачон мактаб билан маҳалла-қўй ишини бир-биридан айро тутмади. Мактабда раҳбарлик қилган даврида ҳам маҳалла ишларида фаол иштирок этди, элнинг тўй-томшаларида бош-қош бўлди. Ҳақдорда 2 та мактаб биносининг хашар йўли билан қурилишига бош қўшди. Қишлоғи билан тоғ орасидаги 20 километр масофадаги йўл жуда яроқсиз ва ночор ҳолга келиб

қолганди. Қишда лой, ёзда эса тизза бўйи чанг ва ўйдим-чуқур. Довондан ошиб туман марказига бо-ришининг ҳеч илоҳи йўқ. Жума бобо ҳамқишлоқларини бир жойга жам қилиб, уларнинг бошини қовуштирди. Ўз ҳисобидан ош берди, озиқ-овқат ва қурилиш асбоб-ускуналари билан таъминлаб, бир ой ичида йўлни бинойидек таъмирлатди. Унинг фидокорона меҳнатлари муносиб рағбатлантирилди. Орденлар, фахрий ёрликлар ва 1994 йили эса "Жасорат" медали билан тақдирланди. Буларнинг барчаси давлат ва халқнинг эътирофи.

Фарзандларини ўқитди, уйл-жойли қилди. Бугун Жума бобо фарзандлари, нева-чеваралари ардоғида кексалик гаштини сураётганида пойтхат Тошкентдан яна бир хушхабар келди. Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни байрам ўтказилиши муносабати билан бирийўла етти ярим миллион сўм муқофот оладиган бўлибди.

— Яратганга минг қатла шукр, — дейди у йўқлаб келаётган қадрдонларини бир-бир бағрига босганча.

Абдуқоим БЕККАМОВ.

Маънавият

Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғининг бугунги манзараси ҳар қандай кишини ўзига мафтун этмай қолмайди. Кўм-кўк қир-адирлар, шарқироқ сойлар оғушидаги бу гўзал масканда шу заминнинг муносиб фарзанди Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 135 йиллиги ўтказилди.

Сидқий Хондайлиқий зиёси

Сидқий Хондайлиқий маърифатпарвар шоир, рассом сифатида маданиятимиз тарихида муносиб из қолдирган. Тадбирда унинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ-шунослик институтининг кўлбемалар фондида сақланаётган адабий мероси тадқиқ этилиши аини мудоао экани ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шеърларидан намуналар ўқилди.

Сидқий Хондайлиқий зиёси бугунги кунда ҳам нур сочиб тургани ана шу китобдан ўрин олган насихатларда намоён бўлади.

Уч нарсанинг бақоси бўлмагай: баҳс ва жадалсиз илм, тижоратсиз мол, сибасатсиз мулк.

Ҳушёр киши ул эрурки, агар оламни ҳаммаси ани хусуматиға турсалар, анинг ҳеч ким бирла хусумати бўлмагай...

Ҳар дўстки, дунёлик ғарази бирла дўст бўлур бўлса, оз нимарса сабаби бирла душман бўлур ва ҳар дўстки рост дўст — ул дунёлик ваҳжи ила айрилмагай.

Қачонки халққа насиҳат қилур бўлсанг, керакки аввал ўз нафсингга насиҳат қилгайсан.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Сайдан (яъни Сайдирасул) кўпдан бери Норхолга соядай эргашиб юрарди... Норхол тўққизинчида, ўзи ўзинида ўқиб юрган кезлари. Э йўқ, деб йўқ, бир кун у қизининг йўлини тўсиб, ёдлаб олган шеърини эсдан чиқариб қўядигандек, шоша-пиша, "Мен сени севаман", деди. Дабдурустан айтилган гапга Норхолнинг кулгиси кистади. — Нима қилай шунга? Қоч, йўлимдан! — Мен сенга, сени севаман, дей-ляман?! — Э, бор-э! Каланг ишлайдимми ўзи? — Ишламайди. Айт: севаганимми, йўқми? Сайданнинг бир этикка икки оёғини тикишидан қизнинг аччиғи чиқа бошлади. — Қоч, бўлмаса, ҳозир бориб отамага айтаман. — Айтсанг айтавер. Отангдан қўрмайди. Бариб сени севавераман. — Э, бор-э! — деб Норхол уни сийлаб, кетди-қолди. Шунга ҳам бир йилча бўлди. Лекин ҳалиям Сайдан Норхолнинг кет-тидан қолмайди. Нуқул севиш-сев-маслигининг айт, деб тикилинч қилади. Норхол эса... гарчи ўшанда отамага айтаман, деб уни қўриқтиган бўлса-да, отасига айтаман. Сайданнинг қилигига роса кулганди. Сайдан ўзи эур йигит-да! Қадди-қомати келишган. Тенқурлари унинг олдида шунақа титрашадик, асти

қўяверинг. Қайрада жанжал — Сайдан ҳозир ноэир, тагин енгиб чиқади. Норхол уни севаганимми — ўзи ҳам билмайди. У йўлини тўсиб, сарқалиқ қилгандан кейин у ҳақда оз-оз ўйлаб кўйди-ю, кейин эсдан чиқаради. Унинг сўроғига бир нима демайди. Чунки мактабни битириб, ўқишга бормоқчи. Институтга кириб, ўқийдиган бўлган, севамаслиги керак-да. Йўқса, ҳаёли бўлиниб, миясига дарс кирмай қолади. Сайдан-ку ўзи яхши йигит, лекин... Норхол рўйхуш бермаслигининг сабаби бор. Онаси севишганларни жуда ёмон кўради. "Ота-онаси турганда қиз боланинг шуйтиб юришини ким қўйипти?" дейди. Норхол онасининг раёйига қаради. Илоҳи қанча — ўқишга юбормай қўйишлари ҳеч гап эмас. Устига-устак, бирон киши "Фалончи фалончиға кўз сузибди", деб қолса борми, Худо урди-да. Шу куниеқ Барлос қишлоғини қора мушук каби миш-миш оралайди. Ҳозир ақли қиз деб ҳисоблайдиган Норхол эса гап бўлишни истамайди. Аввал, гап-сўз бўлиб, кейин қиз томондан ота-она "совчилик"қа катнаб юрганини кўп кўрган. Ана, Улбозорнинг отаси Бомгон ака ҳам Абулхайрнинг орқасидан югравериб, овора бўлиб кетди-ку! Тўғри, Сайдан Абулхайрга ўшаганлардан эмас, яхши йигит, лекин Норхолга ҳали ҳеч ким керак эмас. Тўғриси — шу. Сайдан эса бунга тушунамайди. Нуқул севаганимми, йўқми, айт, деб оёқ тирайди. "Севаман десанг, бас, қачонгача бўлсанг кутаман. Агар бошқа дардинг бўлса, бунга айт, орқангдан овора бўлиб юрмайин", дейди. Албатта, Норхол майли, демаган, демайди

ҳам. Сайданни ўлғудай яхши қўриб қолганда ҳам, бўридай айтмасди. Қадрини биладиган қиз бунча гапни озгидан чиқармайди-ку! Лекин узил-кесил йўқ дейишга ҳам, рост, тили бормайди. Бир йигит соядай кетгандан эргашиб юрса, галати-да. Шунинг учун ҳам дугоналарнинг Норхолга ҳаваси келади. Унинг йўлини пойлаб, Сайдан мактаб ат-рофида айлангани-айланган. Унга раҳми келибми, гоҳ дугоналари Норхолни қойишади: "Нимага уни қийнасан, бер-да, жавобини! Ё ҳа де, ё йўқ!" Аслида ким унга овора бўл, депти. Норхол айтиб димми? Бир гал кампирга ўхшаб ми-жинглайдиган дугона-си шунақа гапни айтганда Норхолнинг жини қўзиди: "Жуда жонинг ачиб бораётган бўлса, бор, ўзинг тег. Менга зарил эмас". Бунга қаранг, бу гап Сайданга ҳам етиб боришти. Ҳақ қуни яна йўлтўсарлик қилди: "Бу нима деганинг? Севмайман, деганингми? Бариб сени севавераман. Лекин сен ҳам мени севишинг керак-ку!" деб таъриб олади. "Севаман дегунинг қиймайман!" дейди. Билиб олгани — шу. Худди тўтиқушга ўхшайди. Бугун дам олиш куну бўлгани учун Норхоллар далага ишга чиқиди. Сайдан ҳам шу ерга келди. Бир оёғини ерга, иккинчи оёғини велосипеднинг педалига тираганча, ишдан бош кўтармаётган қизларга

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб...

Таажжуб

Касалхонадаги ҳамқонам жуда антика инсон экан. Кўришим билан қайратда қолдим. Узун, қўксига тушган оқ соқоли ва тиззасидан паст яхтак-қўйлагли билан ҳаммадан ажрлиб турарди. Миллатимиз вақили. Кейин билсам, 90 ёшга яқинлашган, ҳаракатчан, тетик. Иштаҳаси ҳам зўр. Бу таассуротларнинг дебачаси бўлди.

Хуллас, шу инсон билан иккаламиз бир палатада саккиз кун даволаниб ётдик. Гап шундаки, даволаниш учун шифохонага келган инсон каслини, тирикликни ўйламайди. Мамлакатимиз ҳаётида бўлаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар, халқ билан бўлаётган ҳар соҳадаги очик мулоқотлар, кўп вақтлардан бери ҳал бўлмаётган муаммолар Президент Халқ қабулхоналарида бир зумда ечилиши уни мутлақо қизиқтирмас экан. Телевизорни кўп йиллардан бери кўрмас, радио тингламас экан. Шундай одамлар орамизда борлигидан ҳайратланиб, ундан маълумоти ҳақида сўраган эдим: — Мени ёшлигимда мактабга бериш-моқчи бўлишганида "Йўқ", дер эдим, — сўз бўллади у. — Ўн ёшга тўлганимда, "Қўқмасан бўлмайди, қайси мактабга борсанг?" деб сўрашганида, мен эҳтимол қутулиб қоларман, ота-онамга жавобим ёқмас, деган умидда, "Рус мактабига",

дедим. Шундай қилиб, мени ўн ёшимда рус тилида таълим бериладиган мактабга бериб, ўзимдан кичик болаларга қўшиб, кулгили холдада қолдиришди. Ҳуку йўли охирига етмай, мактабга бормай қўйдим. У гапни тугатди. Кейин бир оз сукат сақлаган, ўқишни ташлаб, отаси ёнида мардикор бўлиб юрган, хом гишт қўйишгани, отасига ёрдамлашгани, сувоқчиликни ўргангани ҳақида

сўзлади. Кейинчалик эса ўзи мустақил равишда мардикорлик қилиб юрареган, ҳеч бир давлат ишида ишламаган, хохламаган ҳам экан. Бу воқеа Бангладешда, Замбия, Зимбабве, Намибия, Ботсвана ёки Ҳиндистоннинг бир чекка штагида эмас, бизнинг ўлкамизда бўлганидан яна бир бор таажжубга тушим. Бир кун тўсатдан арз қилиб, касалхонада ибодат учун шароит яратилмагани борасида шикоят қилди. — Бош шифокорга кириб айтинг арзингизни, — дедим энсам қотиб. — Бепул даволанмоқдасиз, тўрт маҳал таом беради, шароит яхши. У нима даярини билмади. "Эй, Аллоҳнинг ношукр бандаси, — дедим ичимда, — давлатимиз сендан ҳеч нарсани талаб қилмаса, давоси ҳам йўқ. Бепул даволаса, еганинг олдинда уйга қайтишга амандан, тагин нима истайдди кўнглинг?" Шифохонадан даволаниб чиқиб кетганда устимдан қандайдир оғир юк тушгандек бўлди. Шунга қозғога туширдим.

Эркин ИБРОХИМОВ, меҳнат фахрийси.

Тадқиқ

Маҳорат шеvasи ҳар бирда зоҳир

Алишер Навоий ўз асарларида хотин-қизларни илмли бўлишга даъват этган. Аёлларнинг ахлоқий, ақлий хислатларини, қобилиятларини тасвирлаш ва фазилатларини кўрсатишга интилган.

Жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достонида Паричех, Дилором, Дилосо, Гуландом, Суманбўй, Сумансо, Паричех, Паризод, Париваш, Парипайкар каби ўн нафар олима ва санъаткор қизлар образини киритади. Уларни китобхонга шундай таништиради:

Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир, Маҳорат шеvasи ҳар бирда зоҳир.

Шоира Дилором ва рақоса Дилорони:

Бири шўвор баҳри ичра ғаввос, Бири адвор даври ичра раққос.

Мантиқ фани устаси, мантиқчи Дилосо ва астроном Гуландомни:

Бири мантиқ русумида қаламқаш, Бири ҳайъат руқумиға рақамқаш.

Мантиқ сўзи нутқ, сўз маъносидан ташқари қонун маъносини ҳам билдиради, демак, олима Дилосо образи қонуншунос ҳамдир.

Файласуф Суманбўй, сўз устаси, нотик Сумансонни:

Бирининг шеvasи илми ҳақойиқ, Балогоғда бири айтиб дақойиқ.

Тарихчи Паричех, ҳикмат фани билимдони Паризодни:

Бири тарихда, сўз айлаб фасона, Бири ҳикмат фани ичра яғона.

Хисобчи, иқтисодчи Париваш ва муаммо фани устаси, адабиётшунос Парипайкарни:

Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб Муаммода бириси от чикориб. Бу фанларда булар бир-бирин аҳсан Юз ул фанлиқ аро ҳар қайси яқфан,

дея гўзал сатрларда таъриф ва тавсифлайди. Улуғ шоир достонда бу қизларни "Ширин бисотининг надими", "Моҳинбону ҳарими", "Зиҳи ўн исми дилқаш", "Ўн шўхи моҳир" каби сифатлар билан алоҳида сифатлайди. Шоир уларнинг илмий салоҳиятини, даражаларини очиб бера экан, "Жаҳонда қолмади ул етмаган илм, Билиб таҳқиқни касб этмаган илм", дея таърифланган Фарҳоддай до-нишманд шахзонанинг бу ўн нафар олима, санъаткор қизлар билимдонлиги воситасида, ҳатто ўзининг ўзлаштирган илмини ҳам текшириб кўрганини, хотира фониини синовдан ўтказганини шундай ифодалайди:

Аларга чун тааммул қилди Фарҳод, Унутгон нуқталарни айлади ёд.

Алишер Навоий "Шавқ достони"да ўша давр зиёлилари шуғулланиб турган илм-фан йўналишларини, касб-хунарларни, хотин-қизларнинг эса ўта қобилиятли эканликларини шу лирик лавҳада очиб беради. Бу образларни достонга киритишдан улуғ шоирнинг яна бир максоди ойдинлашди: қаердаки фозил инсон раҳбар бўлса, ўша жойда илмий-ижодий муҳит юзага келади. Зеро, асардаги барча бунёд-корликлар ташаббускори оқила, фикри кенг, узоқни кўра биладиган аёл — малика Моҳинбонудир. Шунингдек, у Ширин ва ўн нафар олима қиз ёрдамида мамлакатни идора қилади, саройни назоратда тутади.

Алишер Навоий достонда қизлар образи воситасида аёллардаги муҳаббатни, гўзалликни эъзозлаш билан бирга, улардаги ақлу фаросатни қадрлаш масаласини ҳам кўтарган. Ҳақдоридеги ижтимоий-сиёсий муаммоларни, таълим-тарбия масалаларини ҳам ёритишга ҳаракат қилган. Достонда Моҳинбонунинг:

Моҳинбонун доқишпарвар эрди, Билик аҳлиға шоҳи сарвар эрди,

дея таъриф этган шоир унинг ҳомийлигидан камол топган ўн нафар оқила, фозила қизни замонасининг кўлгина фанларига ўз қобилиятлари билан ном чиқарган иқтидор эгалари сифатида кўрсатади. Шу маънода, кучли ақл ва ҳикмат эгалари бўлган қизлар образи буюк мутафаккирнинг ижтимоий фикрлари бадиий талқини ҳамдир, деб хулосалаш мумкин.

Буробия РАЖАБОВА, филология фанлари номзоди.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов. Навбатчи — Д. Каримов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6